

“Маҳалла - беш ташаббус бешиги” кўрик- танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди

Жорий йилнинг 24-август куни Сарийосиё туманидаги 4-Болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида “Маҳалла беш ташаббус бешиги” Республика кўрик танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, охириги йилларда давлатимиз раҳбарининг ғоя ва ташаббуслари билан маҳаллага бўлган эътибор сезиларли кучайди. Ташкилий-ҳуқуқий асос такомиллаштирилди. Мавжуд 9 мингдан зиёд маҳаллани комплекс ривожлантиришга қаратилган “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Одамларни рози қилишга қаратилган барча муҳим ижтимоий-иқтисодий йўналишларда “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Беш муҳим ташаббус давлатимиз раҳбари бошчилигидаги Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш сиёсатининг ажралмас қисми ва уларни амалга ошириш - ҳаётий зарурат.

Ушбу бўлиб ўтган тадбирда Сарийосиё, Денов, Узун туманларидан ғоллиб бўлган маҳаллалар ўзаро беллашдилар.

Ғолибларни аниқлашда комиссияси ҳайати иштирокчилар ҳужжатларини кўриб чиқиб, беш муҳим ташаббус бўйича қабул қилинган тегишли ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси таъминланганлиги, унинг мазмун-моҳиятини халққа етказилганлиги ҳамда тарғибот- ташвиқот ишларининг олиб борилганлиги ва бошқа мезонлар асосида баҳолади.

Танлов натижасига кўра Узун тумани “Обод юрт” маҳалласи ғолибликни қўлга киритиб вилоят йўлланмасини қўлга киритдилар.

Ғолиб маҳаллалар I, II, III даражали дипломлар ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.





